

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Самарқанд вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи

Ш.Абдиев
2023 йил _____ апрель

**Вилоят статистика бошқармасининг Кенгаш йиғилиш
БАЁНИ № 2**

2023 йил 27 апрель

Самарқанд ш.

Раислик қилувчи: -Ш.А.Абдиев – Вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи

Қатнашдилар: -Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари,
тармоқ ҳамда ҳудудий статистика бўлимлари
бошлиқлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ

1. Кириш сўзи.

2. Бошқарма тизимида 2023 йилнинг I-чорагида амалга оширилган ишлар, эришилган ижобий натижалар, йўл қўйилган хато-камчиликлар ва келгусидаги устувор вазифалар тўғрисида.

3. Кенгаш иш режасига мувофиқ, йиғилишда кўриб чиқилиши лозим бўлган бошқарма фаолиятига доир бошқа масалалар тўғрисида.

(Абдиев, Сидиков, Салимов, Давронов, тармоқ бўлимлари, шаҳар ва туманлар статистика бўлими бошлиқлари, Абдиев)

Кенгаш йиғилишини бошқарма бошлиғи Ш.Абдиев очиб, иштирокчиларни кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

Ш.Абдиев ўз кириш сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга доир Давлат Дастури” доирасида тизим олдида белгилаб берилган топшириқларни сўзсиз, сифатли ва ўз муддатида ижросини таъминлаш борасида 2023 йилнинг I-чорагида амалга оширилган ишлар ҳамда статистика органлари олдида турган келгусидаги устувор вазифалар ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, “2023 йил учун статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури” доирасида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан

2023 йилнинг I-чорагида амалга оширилган ишлар пировардида ишлаб чиқилган таҳлилий-статистик маълумотларни келтириб ўтди.

Жумладан, дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг I-чорагида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми жорий нархларда 12 419,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 3,6 % га, аҳоли жон бошига 3 008,4 минг сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 % га ошган.

Республика ЯИМнинг шаклланишида вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,3 % ни ташкил этди.

Вилоятдаги корхоналар томонидан 6 738,6 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, саноат ишлаб чиқариши физик ҳажми индекси 103,6 % ни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 5 113,4 млрд. сўмни (2022 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 102,8 %), асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 5 045,6 млрд. сўмни (130,7 %), бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 1 735,2 млрд. сўмни (107,4 %), кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 6 105,8 млрд. сўмни, (106,5 %), чакана савдо товар айланмаси ҳажми 5 583,3 млрд. сўмни (102,3 %), вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 593,9 млн. АҚШ долларини, жумладан экспорт – 134,8 млн. АҚШ долларини ва импорт – 459,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2023 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоят бўйича доимий аҳоли сони 4 137,9 минг кишини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 19,7 минг кишига ёки 0,5 % га кўпайди.

Давлат хизматлари агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2023 йилнинг 1 апрель ҳолатига 52 746 тани (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиб, улардан 37 862 таси ёки 71,8 % фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг январь-март ойларида 2 064 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган.

2023 йилнинг I-чораги давомида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолатини акс эттирувчи, долзарб масалаларда 838 та таҳлилий маълумотлар, 27 та ойлик ва чораклик пресс-релизлар бошқарманинг расмий веб-сайтида эълон қилинганлигини ҳамда маълумотлар инфографика, диаграмма ва видеороликлар кўринишида Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси орқали эфирга узатилганлиги ва маҳаллий нашрларда чоп этилганлиги айтиб ўтди.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида профилактика ишлари доирасида вилоятнинг барча ҳудудларида 51 марта семинар ва “Давра суҳбатлари” ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда 705 марта чиқишлар қилиниб, 3 675 та буклет ва қўлланмалар тарқатилди. Натижада, 853 та ҳолатда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато-камчиликларнинг олди олинди.

“Тизим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастури”га асосан, 6 та ўқув курсларида 28 нафар ходимлар малакасини

оширди.

Бошқармага жисмоний ва юридик шахслардан жами 43 та муурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 7 таси (16,3 %) жисмоний шахслар, 36 таси (83,7 %) юридик шахсларнинг ҳиссасига тўғри келганлигини такидлаб ўтди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари ҳамда топшириқлари билан тизим олдига белгилаб берилган вазифалар ва уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш борасида тизим ходимларининг шахсий масъулияти эътироф этилиб, йиғилиш кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

Бошқарма фаолиятини тубдан такомиллаштириш, статистика ишларини бажариш юзасидан белгиланган вазифаларни 2023 йилнинг I-чорак якунлари ижроси бўйича танқидий таҳлилни йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг Ҳайъат йиғилишида 2023 йилнинг I-чорагида Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг тармоқ ҳамда ҳудудий бўлимлари фаолиятда эришилган ижобий натижалар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар муҳокама қилиниб:

-Статистика дастурига мувофиқ, белгиланган ишларнинг ўз вақтида бажарилиши таъминланганлиги учун Нархлар статистикаси (Урозолиев), Инвестициялар ва қурилиш статистикаси (Рахматов) Саноат статистикаси (Бутаев) бўлимлари рағбатлантиришга;

-2022 йил якунлари бўйича 1-кб shakli (yillik) "Микрофирма ва кичик корхонанинг фаолияти тўғрисида"ги ҳамда 1-кб ҳисоботини қабул қилишда фаол қатнашганлиги учун Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўлими ходимлари (Мухаммадиев, Суяров ва Фазилова) ҳамда Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими (Хазраткулов) ва Статистик регистрларни юритиш бўлими (Зулфуқоров) бошлиқларини бир ой муддатда хўжалик маблағлари ҳисобидан амалдаги тартибда рағбатлантиришга;

-фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликлари бўйича 2022 йил якуни ҳамда 2023 йил 1-чорак якуни бўйича қишлоқ хўжалиги ҳисоботлари сифатини таъминлашда хато ва камчиликларга йўл қўйганлигини инобатга олиб, Каттақўрғон тумани статистика бўлими бошлиғи Асаев Русланбек Мардиқуловичга ҳайфсан интизомий жазо чорасини қўллашга тавсия этилганлигини такидлаб ўтди

Шундан сўнг бошқарма тармоқ бўлимларига сўз берилди:

Нарх статистикаси (Урозолиев).

5-нағх (INI) ойлик кузатуви ҳар ойнинг 10-20 саналарида 510 та турдаги товар ва хизматлар кузатуви 5 та шаҳар ва туман регистраторлари томонидан амалга оширилиб, кузатув жараёнда нархлар киритилганда битта нолга кўпайиб ёки битта нолга камайтириб

киритиш ҳолатлари Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари ҳамда Булунғур, Иштихон ва Ургут туманларида хатоликлар учрамоқда.

Бу ҳолат шаҳар ва туман регистраторлари томонидан ҳар ҳафтани сешанба ва чоршанба кунлари ўтказиладиган 5-paгx (bozor), 5-paгx (do'kon) кузатувларида Оқдарё, Самарқанд ва Қўшработ туманларида нолларнинг қўшилиб ёки тушуб қолиши мунтазам тақрорланиб келинмоқда. Ушбу ҳудуд кузатувчилари 2022 йил якуни билан огоҳлантириш берилишига қарамасдан хулоса чиқармаган

Хизматлар соҳаси масалаларида (Ҳазраткулов).

2023- йил I-чораги учун тасдиқланган режа-графикка мувофиқ 13-17 март кунлари бозор хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар танланма кузатуви ўтказилди 4-xizmat (jsh) бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахслар кузатувини ўтказиш ҳолати ўрганилганда Пахтачи туманида (У.Бахранов) битта локация манзилида 2 та сартарошлик, 2 та косметолог, 2 та кир ювиш, 4 та тикув, 2 та бужитерия, 1 та калит тайёрлаш ва 1 та пойафзал таъмирлаш хизматларини Ургут туманида (Ф.Даминов) битта локация манзилида 2 та сартарошлик, 2 та косметолог, 2 та кир ювиш, 4 та тикув, 2 та калит тайёрлаш ва 2 та пойафзал таъмирлаш хизматларини автотураргоҳ олдида кузатган бўлса, Иштихон туманида (А.Хиббимов) ҳамширалик хизматларини кузатмаган.

2023 йилнинг январь-март ойларида 4-kb (qurilish, savdo, xizmat) чораклик саволнома бўйича жами савдо айланмаси билан хизматлар ҳажми таққосланганда хизмат ҳажмини Самарқанд шаҳрида 9 та, Оқдарё туманида 7 та, Ургутда 9 та, Булунғурда 6 та, Жомбойда 2 та, Иштихонда 6 та, Каттақўрғон, Қўшработ, Нарпай туманларида 1 тадан корхоналар савдо устамасини кўп кўрсатган бўлса, айрим ҳолатларда ҳажмлар 2023 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан Каттақўрғон шаҳрида (1 та) 18,0 млн. сўмга, Оқдарё туманида (3 та) 72,5 млн. сўмга, Нарпай (1 та) 0,3 млн. сўмга, Ургут (5 та) 39,4 млн. сўмга камайтирган.

Бу ҳолатда ўз навбатида кузатув ва мониторинг ишларига масъул ходимлар томонидан масъулиятсизлик билан қаралаётгани ёки ёлғон маълумот берилиб келинаётганлигидан дарак беради.

Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо соҳаси масалаларида (Абдирайимов).

12-bozor "Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотувчи жисмоний шахслар тўғрисида" сўровномаси бўйича февраль ойида: Қўшработ тумани ҳокимият биноси олдида, Нарпай, Каттақўрғон, Булунғур ва Пастдарғом туманлари статистика биноси олдида, март ойида эса Нарпай тумани статистика биноси олдида кузатув маълумотларини базага киритган.

12-bozor (chorva) "Чорва моллари ва паррандаларни сотувчи жисмоний шахслар тўғрисида" сўровномаси февраль ойида Тойлоқ тумани деҳқон бозори ҳудудида, Қўшработ тумани статистика биносида кузатув маълумотларини базага киритган.

Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш соҳаси масалаларида (Бобораимов)

2022 йил учун 1-кв (yillik) ҳисоботини тақдим этмаган ҳамда хато ва камчиликлар билан тақдим этган кичик корхона ва микрофирмалар жами 2 834 тани ташкил этди. Ушбу субъектлардан ҳисоботни ўз вақтида тақдим этмаган субъектлар таҳлил қилинганда солиқ органларига ҳисобот тақдим этганлиги, банкларда операциялар амалга оширилганлиги, газ ва электр-энергия сарф харажат қилганлиги ҳамда 2022 йил давомида ойлик ва чораклик статистика ҳисобот шаклларини тақдим этган субъектлар эканлиги маълум бўлди.

Кўрсатма хати чиқарилган субъектлардан жорий йилнинг 24 апрель ҳолатига 1450 та ҳисоботларни қабул қилиб олишга эришилди. Ҳисобот тақдим этган 1 384 қақирув хатлари чиқарилмоқда.

2023 йилнинг тегишли ойлари учун 12-korxonа shakli (oylik) статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузган корхоналар сони жами 9 тани 2022 йил учун 1-korxonа shakli (yillik) статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузган корхоналар жами 52 тани ташкил этган бўлса 2023 йил 1-чорак учун 4-korxonа (miz) (12-korxonа shakliga ilova) shakli (choraklik) статистика ҳисоботини 19 та корхона ҳанузгача тақдим қилмасдан келмоқда

Илғилиш сўнгида бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Т.Сидиков сўзга чиқиб 2023 йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича 3333 та субъектлар томонидан ҳисоботларни тақдим қилиш тартибга риоя қилинмаганлигини,

Уларнинг 3202 таси тадбиркорлик субъектлари бўлса, қолган 131 таси нотижорат ташкилотлар ҳисобланишини.

Ҳисоботларни тақдим қилиш тартибига риоя қилмаган 3202 та тадбиркорлик субъектларининг 2994 тасига огоҳлантириш хатлари юборилган бўлиб, уларнинг 1427 таси белгиланган муддатлар ичида ҳисобот тақдим қилган. Ҳисобот тақдим қилиш интизомига риоя қилмаган 12 та субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан МЖТКнинг 245-моддасига асосан маъмурий иш кўриб чиқиш усун Суд органларига юборилган бўлсада, 1555 тасига ҳеч қандай чоралар кўрилмасдан ҳаракатсизлик қилиниб келинганлигини.

Ҳисобот тақдим қилиш интизомига риоя қилмаган 131 та нотижорат субъектлардан 97 тасининг мансабдор шахсларига 233,5 млн. сўмлик маъмурий жарима қўлланилган. Маъмурий чоралар кўрилмасдан ҳаракатсизлик қилинган субъектлар сони эса 34 тани ташкил этишини.

Ҳудудлар кесмида таҳлил қилинганда, Самарқанд шаҳрида 22 та, Оқдарё 7 та, Каттақўрғон шаҳри 1 та, Қўшрабат, Пастдарғом, Каттақўрғон ва Тойлоқ туманларида 1 тадан субъектларнинг мансабдор шахсларига чоралар кўрилмаганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, статистика органларининг “E-ma'muriy ish” ягона ахборот тизимига маъмурий иш ҳужжатларини киритиш ҳолати ўрганилганда 2023 йилнинг ўтган даврида “E-ma'muriy ish” ягона

ахборот тизимига туманлар томонидан маъмурий ишларни киритиш таҳлил қилинганда: Каттақўргон шаҳар, Нарпай, Пахтачи, Тойлоқ, Ургут туманлари статистика бўлимлари томонидан 1 тадан иш киритилган бўлса Булунғур, Иштихон, Нуробод, Оқдарё ва Пастдарғом тумани статистика бўлимлари томонидан умуман маъмурий ишлар киритилмаганлигини таъкидлаб ўтиб, маъмурий ваколатларни қўллаган ҳолда статистика ҳисоботларини тақдим этиш интизоми ва қамровини таъминлаш мақсадида, ҳисобот интизомини бузган мансабдор шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган чоралар кўришда масъулятсизлик ва сусткашликка йўл қўйилганлигини:

Шунинг учун Самарқанд шаҳри, Булунғур, Иштихон, Нарпай, Нуробод, Пастдарғом, Оқдарё туманлари статистика бўлимлари бошлиқларига чора кўрилиши кераклигини айтиб ўтиб, маъмурий ваколатларни қўллаган ҳолда статистика ҳисоботларини тақдим этиш интизоми ва қамровини таъминлаш мақсадида, қуйидагидарни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашини:

-қўлланилган маъмурий чоралар бўйича жарималарни ўз муддатида ва тўлиқ ундириш мақсадида тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимлари томонидан субъектларга хабар бериш ва улар билан тегишли тушунтириш ишларини олиб боришни ҳамда юқори турувчи ташкилотга тақдимнома киритишни йўлга қўйиш;

-маъмурий чораларни қўллаш учун шахсан ҳудудий статистика бўлимлари бошлиқлари жавобгарлигини белгилаб қўйиш;

-маъмурий ишлар ҳажмининг катталигини инобатга олган ҳолда ҳудудий статистика бўлимлари томонидан маъмурий иш ҳужжатларини «E-ma'muriy ish» ягона ахборот тизими ёрдамида юритиш ва уларни субъектларга hybrid почта хизматларидан фойдаланган ҳолда етказиш;

-кўрсатиладиган консалтинг хизматлари бўйича ҳисобот топширувчи субъектлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш ва кейинги чорақларда хизматлар ҳажмини ошириш;

-статистик ҳисоботларни қабул қилиш даврида коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш чораларини кучайтириш, таклифини киритди.

Кенгаш йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2023 йил 27 апрелдаги 4-сон Ҳайъат йиғилиши баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Бошқарма бошлиғи Ш.Абдиевнинг бошқарма тизимини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари ҳамда топшириқларида белгилаб берилган вазифаларни бошқарма тизимида 2023 йилнинг I-чорагида амалга оширилган ишлар муҳокамаси ҳамда келгусидаги устувор вазифалар

юзасидан маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

3. Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари, бошқарма ҳамда шаҳар ва туманлар бўлим бошлиқлари зиммаларига:

-Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ҳукумат қарор ва фармойишлари билан Статистика агентлиги тизими соҳаси олдига белгилаб берилган, шунингдек, Статистика агентлигининг идоравий ҳужжатлари билан ижросига бевосита ўзлари масъул этиб белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, пухта ва самарали ижросини таъминлаш;

-ўзлари мутасадди бўлган йўналишлар бўйича “2023 йил учун статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури”да белгиланган статистика ишларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, бунда юзага келган камчиликлар ва муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш чораларини кўриш;

-таҳлилий-статистика ишлари сифатини янада кучайтирган ҳолда, ахборот-таҳлилий маълумотлар мазмунини кенгайтирилиши ҳамда уларни доимий равишда бошқарманинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштириш;

-барча йўналишлар бўйича жойларда ўтказиладиган танланма кузатувларни тўлиқ ва сифатли ташкил этилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш ҳамда кузатув натижалари бўйича маълумотларнинг тўлиқлиги, ҳаққонийлиги ва сифатлилиги юзасидан таҳлилларни ҳар томонлама пухта ташкил этиш;

-бажарилишига масъул бўлган барча вазифалар бўйича ҳудудий статистика бўлимлари фаолияти мониторинги ва назорати борасидаги ишларни янада кучайтириш ҳамда вазифаларни жойларда самарали ижро этилиши юзасидан уларга доимий амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклансин.

4. Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими (Давронов):

-“2023 йил учун статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури”да белгиланган статистика ишларини белгиланган муддатларда, тўлиқ ва сифатли бажарилиши юзасидан доимий мониторинг олиб борсин;

-ҳудудий статистика органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар билан соҳага оид йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни кенг кўламда ва самарали ташкил этилишини мувофиқлаштириб борсин;

-бошқарма ҳамда ҳудудий статистика бўлимлари бошлиқлари билан биргаликда, аниқланган ҳуқуқбузарликлар, хусусан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан статистик ҳисоботларни тақдим этиш борасида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий ишларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ юритилиши, тўғри расмийлаштирилиши ва ўз муддатида ижро этилишини таъминласин, бу борада назоратни янада кучайтирсин;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан

ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими (Саттаров) билан биргаликда

-бошқарманинг 2023 йилнинг 2-чорагида ҳудудий статистика органларида статистика фаолиятини ташкил этиш масалаларини комплекс ва мақсадли ўрганишлар бўйича режа-жадвал асосида назоратга олинган ҳужжатлар билан ишлаш, уларни белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқишлигини таъминлаш, ижро интизоминини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар бўйича шаҳар ва туманларда ўрганишларни ташкил этсинлар;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори ва “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан мунтазам мониторинг олиб борсин ва бажарилган ишлар натижаси бўйича раҳбариятга ахборот киритиб борсинлар.

5. Статистик ҳисоботларни тақдим этиш интизоми ва қамровни таъминлаш мақсадида:

-ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузилишини олдини олиш мақсадида профилактика ишларини амалга ошириш, статистика органлари томонидан кўрсатиладиган консалтинг хизматлари бўйича субъектлар ўртасида тарғибот ишларини жадаллаштириш, ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўришда масъулиятсизлик ва сусткашликка йўл қўйган Булунғур (Турдиев), Иштихон (вакант), Нуробод (Тураев), Оқдарё (Эргашев) ва Пастдарғом (Абаев) туманлари статистика бўлимлари бошлиқлари огоҳлантирилсин;

-1 ой давомида, ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузилишини олдини олиш мақсадида профилактика ишларини амалга ошириш, статистика органлари томонидан кўрсатиладиган консалтинг хизматлари бўйича субъектлар ўртасида тарғибот ишларини жадаллаштириш, ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўришда сезиларли ўзгаришлар қилмаган тақдирда амалдаги тартибда интизоми чора қўлланилиши юзасидан огоҳлантирилсин.

-бошқарма Бош юристконсулти (вакант), **Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими (Давронов)** билан биргаликда маъмурий ишларни ўз муддатида ва сифатли расмийлаштириш мақсадида, туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан “E-ma'muriy ish” ягона ахборот тизимида маъмурий иш ҳужжатларининг киритилишини назоратга олсинлар;

6. Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими (Суннатов):

-шаҳар ва туманлар Рўйхатга олиш бўлимларининг ҳудудий кадастр органлари билан ҳамкорликда маҳалла хариталарини янгилаш юзасидан олиб бораётган ишларини мувофиқлаштириб борсин;

-туман (шаҳар) статистика бўлимларида тўрт турдаги йиғма жилдларнинг (аҳолини рўйхатга олишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар; амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари; аҳоли пунктларининг хариталарини янгилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар; аҳоли сони кўрсатилган ҳолда уй ва хонадонлар рўйхатини янгилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар) мунтазам равишда янгиланиб борилишини таъминласин;

-аҳолини рўйхатга олишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини оммавий ахборот воситалари ва расмий сайт ҳамда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда, янада жадаллаштирсин;

-аҳолини рўйхатга олишнинг расмий веб-сайтини (aholi.stat.uz) бойитиб бориш учун зарур ахборот ва маълумотларни доимий равишда Статистика агентлигига тақдим этиб борсин.

7. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими (Таниев)
қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини оммавий ахборот воситалари ва расмий сайт ҳамда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда, янада жадаллаштирсин.

8. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими (Саттаров):

-жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунда белгиланган муддатларга қатъий амал қилинишига, назорат ва таҳлил ишларини кучайтиришга ҳамда ходимларнинг масъулиятини янада оширишга эътиборни қаратсин;

-туман шаҳар статистика бўлимларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш масалалари бўйича комплекс ўрганишларни режа асосида, юқори савияда ўтказилишини ташкил этиб, ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган масъул раҳбар ва ходимларга нисбатан тегишли интизомий ва бошқа таъсир чораларини кўриб борсин;

-келиб тушган ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизоми мониторинги бўйича тартибда белгиланган 1 ва 2-жадвалларни тўлиқ шакллантириш ҳамда пухта таҳлил этган ҳолда Статистика агентлигига белгиланган муддатда тақдим этилишида шахсий жавобгарликни янада оширсин;

9. Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўлими (Бобораимов)

2022 йил якунлари бўйича 1-kb shakli (yillik) "Микрофирма ва кичик корхонанинг фаолияти тўғрисида"ги кўрсаткичлари ҳамда 1-kb ҳисоботи маълумотлари ўртасидаги юқори фарқларни жорий йилнинг 20 май кунига қадар бартараф этиш чорасини кўрсин.

10. 2022 йил якуни билан огоҳлантириш берилишига қарамасдан Оқдарё (Эргашев), Самарқанд (Джабборов) ва Қўшработ (Тоғаев) туманлари нарх регистраторлари ҳафтанинг сешанба ва чоршанба кунлари ўтказиладиган 5-narx (bozor), 5-narx (do'kon) кузатувларида мунтазам хато ва камчиликларга йўл қўяётганлиги сабабли огоҳлантирилсин.

11. Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлими (Ҳикматов).

2023 йилнинг 1-чорагида уй хўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларини шакллантиришда бўлим томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар такрорланмаслиги ва мутахассислар фаолиятини жойларга чиқиб мониторинг қилсин.

12. Дастурий-техник таъминот ва маълумотларни сақлаш маркази (Садиров) тизимдаги компьютер ва бошқа қурилмалардан хизмат доирасидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, тегишли ходимларга ўрнатилган тартибда чора кўрилиши юзасидан огоҳлантирилсин.

Марказ томонидан қуйидагилар доимий равишда ташкил этилсин ва назоратга олинсин:

Бошқарма ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларида фойдаланилаётган VPN ҳамда IP телефония тармоғини доимий ишчи ҳолатида бўлишини;

-ходимлар томонидан Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш ва ахборот хавфсизлиги талабларини бажариш масалаларини шахсан бошқарма бошлиқлари назоратга олишни;

-интернет тармоғидан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш, шахсий ёзишмалар учун эса миллий электрон почта хизматлари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан тушунтириш ишларини ташкил қилишни;

-иш жойидаги Интернет тармоғидан шахсий мақсадларда фойдаланишни қатъий ман қилиш ва ҳар бир ходимнинг Интернет тармоғидаги фаолиятини доимий мониторингини олиб боришни;

-хизматга доир маълумотларни хорижий электрон почта хизматлари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда алмашишини ман қилиш, миллий электрон почта хизматлари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан тушунтириш ишларини ташкил қилиш ҳамда ушбу мақсадда Интернет тармоғига чекловлар ўрнатилишини ташкил қилишни;

-антивируслар базаларини ўз вақтида ва доимий равишда янгилаб борилишини;

.13. Кадрлар бўлими (Мухамадиева)

-кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтига малака оширишга юборилаётган ходимларни ўз вақтида етиб бориши, дарс жараёнларида тўлиқ ва фаол иштирок этиши устидан алоҳида назорат ўрнатсин ва ўқиш якуни бўйича эгаллаган билим ва кўникмалари даражасини ўрганиб борсин;

-малака оширишга юборилаётган ходимлар якуний тест жараёнидан етарлича балл ололмаганда лавозимларини бир поғонага туширилиши юзасидан чоралар кўрилиши бўйича огоҳлантирилсин.

14. Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлим бошлиқлари ҳамда Манавият-маърифат ишлари самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича жавобгар (Ф.Эшонкулов).

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сонли Фармони ва 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор мажлисида белгиланган вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш чораларини кўрсин;

-тизим фаолиятида расмий ҳужжатларни юритишда давлат тили талаб-меъёрларига мувофиқликни камчиликларсиз таъминлаш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини ўз вақтида бажариш бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимлари раҳбарлари ва масъул ходимларининг асосий вазифаси эканлиги ва бу борада фаолиятда сусткашликка йўл қўйган мутасаддиларга қатъий жазо чоралари кўрилиши кўрсатиб ўтилсин.

15. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ишлар бўлими (Норматова)

Молиявий ҳисоботларни, моддий техник базалар, дебитор ва кредитор қарздорликлар, шунингдек, дастурлар, режалар, шу жумладан, ходимларнинг иш ҳаққи тўловларини ўз вақтида ва белгиланган муддатларда амалга ошириш тартиботлари ижросини таъминланишини алоҳида назоратга олсин.

16. Фаолиятида ижобий натижаларга эришганлиги учун Нархлар статистикаси (Урозолиев), Инвестиция ва қурилиш статистикаси (Раҳматов) Саноат статистикаси (Бутаев) ва Ахборот хизмати (Ф.Эшонкулов) бўлимлари бошлиқлари рағбатлантирилсин;

17. Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари (Сидиков) Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ишлар бўлими (Норматова) билан биргаликда 10 кун муддатда 2022 йил якунлари бўйича 1-кб shakli (yillik) “Микрофирма ва кичик корхонанинг фаолияти тўғрисида”ги кўрсаткичлари ҳамда 1-кб ҳисоботини қабул қилишда фаол қатнашганлиги учун Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўлими ходимлари

(Мухаммадиев, Суяров ва Фазилова) ҳамда Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими (Хазраткулов) ва Статистик регистрларни юритиш бўлими (Зулфуқоров) бошлиқларини хўжалик маблағлари ҳисобидан амалдаги тартибда рағбатлантириш бўйича таклиф киритсин.

18. Фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун 2022 йил якунлари ҳамда 2023 йил 1-чорак якунлари бўйича қишлоқ хўжалиги ҳисоботлари сифатини таъминлашда хато ва камчиликларга йўл қўйганлигини инобатга олиб, Каттақўрғон тумани статистика бўлими бошлиғи Асаев Русланбек Мардиқуловичга ҳайфсан интизомий жазо чораси қўлланилсин.

19. Бошқарманинг барча тармоқ ҳамда ҳудудий статистика бўлимлари бошлиқлари:

Тадбиркорлик субъектлари (тижорат корхоналари) томонидан статистика ҳисоботлари маълумотларини бузиб кўрсатиш, ҳисоботларни тақдим этмаган ёки муддатидан кеч тақдим этган ҳолларда тадбиркорлик субъектларига hybrid.pochta.uz орқали хат билан 7 иш куни муддатида кўрсатма хати юбориши (*Кўрсатма хатида белгиланган муддатида қайтадан ҳисоботлар тўғри тақдим этилганда жараён якунланади*).

Кўрсатма хатига асосан 30 кун ичида ҳисоботни тақдим этмаган тадбиркорлик субъектларига ва статистика ҳисоботлари маълумотларини бузиб кўрсатган, ҳисоботларни тақдим этмаган ёки муддатидан кеч тақдим этган нотижорат корхоналарга 5 иш кунида статистика органига келиши ва маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомасини расмийлаштириш учун расмий чақирув хати юбориши

Чақирув хатига асосан 5 кун ичида тадбиркорлик субъектлари ҳамда нотижорат корхоналари раҳбарлари билан боғланиб, статистика органларига келиши тўғрисида огоҳлантирилиб, уларнинг масъул шахсидан тушунтириш хати ва фуқаронинг шахсини тасдиқловчи маълумот (миллий паспорт тасдиқловчи ҳужжати) нусхасини олишлари

Бошқарма Бош юристконсулти билан биргаликда

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган фуқарога Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 294-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва бурчлари билан таништириш, тушунтириш хати ёзишдан бош тортган ёки тушунтириш хати ёзадиган шахс бўлмаган тақдирда жавобгар келмаганлиги юзасидан далолатнома тузиш вазифалари юклансин.

20. Барча ҳудудий статистика бўлимларига

-қўлланилган маъмурий чоралар бўйича жарималарни ўз муддатида ва тўлиқ ундириш мақсадида тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимлари томонидан субъектларга хабар бериш ва улар билан тегишли тушунтириш ишларини олиб боришни ҳамда юқори турувчи ташкилотга **тақдимнома** киритишни йўлга қўйиш;

-маъмурий чораларни қўллаш учун шахсан ҳудудий статистика бўлимлари бошлиқлари жавобгарлигини белгилаб қўйиш;

-маъмурий ишлар ҳажмининг катталигини инобатга олган ҳолда ҳудудий статистика бўлимлари томонидан маъмурий иш ҳужжатларини

“E-ma’muriy ish” ягона ахборот тизими ёрдамида юритиш ва уларни субъектларга hybrid почта хизматларидан фойдаланган ҳолда етказиш;

-кўрсатиладиган консалтинг хизматлари бўйича ҳисобот топширувчи субъектлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш ва кейинги чорақларда хизматлар ҳажмини ошириш;

-статистик ҳисоботларни қабул қилиш даврида коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш чораларини кучайтириш.

21. Булунғур, Иштихон, Нарпай, Нуробод, Пастдарғом ва Оқдарё туманлари статистика бўлимлари бошлиқлари ҳисобот топшириш тартиб қоидаларини бузиб маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган субъектларга нисбатан чора кўриб, **“E-ma’muriy ish”** ягона ахборот тизимига киритмасдан ҳаракатсизлик қилиб сусткашликка йўл қўйганлиги сабабли **огоҳлантирилсин.**

Самарқанд шаҳар, Пахтачи, Тойлоқ ва Ургут туманлари статистика бўлими бошлиқларининг бу борада олиб бораётган ишлари ҳам етарли емас деб топилсин ва охириги маротаба **огоҳлантирилсин.**

Жомбой, Пайариқ, Қўшработ ва Пахтачи туманлари статистика бўлими бошлиқларига бирорта ҳам тижорат корхоналарига маъмурий чора кўрмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

22. Ҳар чорак якунлари бўйича ўтказиладиган Кенгаш йиғилишларида, маъмурий жазо чораларини қўллаш ва **“E-ma’muriy ish”** ягона ахборот тизимига киритилишида ҳаракатсизлик қилиб сусткашликка йўл қўйган туман, шаҳар статистика бўлимлари бошлиқларининг фаолияти муҳокама қилиниб, меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган чоралар қўлланилиши белгилаб қўйилсин.

23. Бошқарманинг статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими (Давронов) ҳамда ҳудудий статистика бўлимлари бошлиқларига

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 29 сентябрдаги 59ққ/11-60-21-сонли қўшма қарорининг 3-илоvasи 194-бетида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215–моддасида (Давлат статистик ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш) назарда тутилган ҳуқуқбузарлик юзасидан талаб этилган ҳужжатларни расмийлаштириб тегишлилиги бўйича суд органларига “Е-маъмурий иш” тизими орқали ва (ёки) раҳбариятга тақдим этиш вазифалари юклансин.

24. Бошқарма Бош юристконсулти ҳамда ҳудудий статистика бўлимлари бошлиқларига

“Е-маъмурий иш” ягона тизими орқали киритилган маъмурий ишлар Судлар томонидан қайтарилганда, Судялар билан боғланиб ва ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиб, қайта судларга юборилишини таминлаш юклансин.

25. Бошқарманинг барча тармоқ ҳамда ҳудудий статистика бўлимлари бошлиқлари ўнта папкада тикилган йиғма жилдлардаги барча

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, 2023 йил учун ойлик, чорақлик, йиллик, ҳисобот шакллари, кузатув шакллари ва анкеталар, услубий қўлланмаларни қайта кўриб чиқиб, ўз кучини йўқотган барча материалларни янгиласинлар.

Ўрганишлар натижасида ушбу папкаларда камчиликлар аниқланган тақдирда тегишли масъулларга интизомий чоралар кўрилиши белгилаб қўйилсин.

26. Статистика агентлиги томонидан ҳудудий статистика органларининг фаолияти натижадорлиги бўйича ўтказилган баҳолаш бўйича бошқарманинг барча бўлимлари томонидан баҳолашда қўлланиладиган тегишли индикаторлар бўйича белгиланган параметрларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик борасида зарур чораларни кўрсин.

27. Кенгаш йиғилиши қарорлари ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Кенгаш масъул котиби



З.Давронов